

## ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ТАФТИШ ЎТКАЗИШ МАСАЛАЛАРИ

Рахмонов Жамшид Шарофиддинович

Тошкент давлат юридик университети магистранти

Э- почта: [jamshid705@icloud.com](mailto:jamshid705@icloud.com)

+998 99 711 15 18

### АННОТАЦИЯ

Уибу мақолада жиноят процессида тафтиши ўтказиши масаласи, процессуалист олимларнинг фикрлари, хўжалик ва молия операциялар тўғрисида, тафтиши қонуний ўтказилиши тартиби, тафтиши тайинлаш мақсади, ўтказилган молиявий операциялар хусусида, бухгалтерия ҳисобининг тўғри юритилганини, улар билан боғлиқ молия-хўжалик фаолият ҳақида шунингдек, тафтишининг аҳамияти тўғрисида ёритилган. Мақолада тафтиши жиноят-процессидан ташқари, ҳуқуқнинг бошқа тармоқлари, жумладан маъмурий ҳуқуқ, молия ҳуқуқи, тадбиркорлик ҳуқуқида ҳам кенг фойдаланилиши ва мазкур ҳуқуқ тармоқлари томонидан тартибга солиниши хусусида тўхталган. Мақолада тергов органлари ўзларининг фаолиятида тафтиши натижаларидан доимий равишда фойдаланишлари масалаларига ҳам тўхталиб ўтилган. Жиноят ишларини судга қадар иш юритуви амалиётида суриштирувчи ва терговчи томонидан тергов ҳаракатларини ўтказиши ва процессуал қарорлар қабул қилишида маҳсус билимларнинг аҳамияти ёритилган. Мақолада иқтисодий муносабатларни амалга ошириш, кредит, лизинг, техника хавфсизлиги, меҳнат муҳофазаси, ёнгин хавфсизлиги қоидаларини бузиш, қурилишида бажарилган ишлар ҳажмини ошириб кўрсатиши йўли билан ўзлаштириши каби жиноятларни таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** тафтиш, кредит, лизинг, техника хавфсизлиги, меҳнат муҳофазаси, ёнгин хавфсизлиги, қоидаларини бузиш, иқтисодий муносабатлар, жиноят, молия ҳуқуқи, далиллар, экспертиза, баҳолаши.

## ВОПРОСЫ РАССЛЕДОВАНИЯ В УГОЛОВНОМ ПРОЦЕССЕ

Рахмонов Жамшид Шарофиддинович

– магистр Ташкентского государственного юридического университета.

[jamshid705@icloud.com](mailto:jamshid705@icloud.com)

### АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматривается вопрос проведения ревизии в уголовном судопроизводстве, взгляды ученых-процессуалистов на хозяйствственные и

финансовые операции, порядок проведения юридических ревизий, цели ревизии, финансовые операции, правильность ведения бухгалтерского учета, связанные с ними финансово-хозяйственные операции, а также освещена важность аудита. Помимо уголовного судопроизводства, в статье отмечается, что аудит широко применяется в других отраслях права, в том числе в административном праве, финансовом праве, хозяйственном праве, и регулируется нормами этих отраслей прав. Также в статье затрагивается вопрос регулярного использования результатов ревизий в своей деятельности. Подчеркивается важность специальных знаний при производстве следственных действий и принятии процессуальных решений дознавателем и следователем в практике досудебного производства по уголовным делам. В статье анализируются такие преступления, как хищение путем осуществления экономических отношений, кредита, лизинга, технической безопасности, охраны труда, нарушение правил пожарной безопасности, преувеличение объема выполняемых работ в строительстве.

**Ключевые слова:** ревизия, кредит, лизинг, техническая безопасность, охрана труда, пожарная безопасность, нарушение правил, экономические отношения, преступление, финансовое право, доказательства, экспертиза, оценка.

## ISSUES OF INVESTIGATION IN CRIMINAL PROCEDURE

**Rahmonov Djamshid Sharofiddinovich**  
Master of Tashkent State University of Law.  
e-mail: [jamshid705@icloud.com](mailto:jamshid705@icloud.com)  
phone: +998 99 711 15 18

### ABSTRACT

*In this article discussed the issue of conducting an audit in criminal proceedings, the views of procedural scientists on economic and financial transactions, the procedure for conducting legal audits, the goals of the audit, financial transactions, the correctness of accounting, related financial and economic operations, and highlights the importance of an audit. In addition to criminal proceedings, the article notes that audit is widely used in other branches of law, including administrative law, financial law, economic law, and is regulated by the norms of these branches of law. The article also touches upon the issue of regular use of audit results in their activities. The importance of special knowledge in the production of investigative actions and the adoption of procedural decisions by the interrogator and investigator*

*in the practice of pre-trial proceedings in criminal cases is emphasized. The article analyzes such crimes as embezzlement through the implementation of economic relations, credit, leasing, technical safety, labor protection, violation of fire safety rules, exaggeration of the volume of work performed in construction.*

**Keywords:** audit, credit, leasing, technical safety, labor protection, fire safety, violation of rules, economic relations, crime, financial law, evidence, expertise, evaluation.

## **КИРИШ**

Жиноят ишлари юритувида жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш, аудиторлик текшируви ўтказиш, суд-иктисодий экспертизаларни тайинлаш ва уларнинг натижаларини баҳолашни такомиллаштириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳукуқ ва эркинликларини ишончли кафолатлашга қаратилган қонун ҳужжатлари ва уларни қўллаш амалиёти билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ечимини топиш долзарб ҳисобланади. Шунингдек, жиноятларни тергов қилиш ёки ишни судда кўриш жараёнида тафтиш тайинлаш ва уни ўтказиш тартибини такомиллаштириш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда иктисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган кенг қамровли институционал ва таркибий ислоҳотлар амалга оширилди. Бугунги кунда тадбиркорлик тузилмаларининг фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш ва иктисодий жиноятларга қарши кураш механизmlарини такомиллаштириш, “хуфиёна иктисодиёт”га барҳам беришга қаратилган таъсирchan чораларни жорий этиш бўйича тизимли ишларни кучайтириш талаб этилмоқда.

Бундан ташқари, миллий иктисодиётни ислоҳ қилиш борасида солиқ ва молия сиёсатини либераллаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва хусусий мулк дахлсизлигини кафолатлаш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни ташкил этиш ҳамда худудларни жадал ривожлантиришни таъминлаш бўйича таъсирchan чоралар кўриш масаласи бугунги кунда давлат сиёсати жаражасига қўтарилиган. Жиноят ишини тергов қилиш даврида тафтиш бирор корхона, муассаса, ташкилотнинг муайян давр оралиғидаги молия-хўжалик фаолиятига тегишли ҳужжатларини ўрганиш мақсадида амалга оширилади.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясига кўра, тафтиш деганда бўлиб ўтган иш, ҳодиса ва бошқа юзасидан ёки ҳақиқий аҳволни аниқлаш мақсадида ўтказиладиган текширув, шунингдек корхона, компания, ташкилот, муассасалар молия-хўжалик фаолиятини, мансабдор шахсларнинг хизмат фаолиятини, ҳужжатлар, бюджет муассасаларида бюджетдан ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши; бухгалтерия ёзувларининг тўғри юритилишини текшириш тушунилади<sup>1</sup>.

## МУХОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Тафтиш суриштирувчи, терговчи, прокурор қарори ва суднинг ажрими асосида, маҳсус иқтисодий билимларга эга бўлган мутахассис томонидан, ҳужжатли ва фактик назорат усусларини қўллаб, хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текширишдир. Бундан кўринадики, жиноят процессида тафтиш ўтказилиши муҳим хисобланади. Жиноят ишлари юритувида тафтиш терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг, суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими билан билан жиноят ишини қўзғатиш ёки уни рад қилиш масаласини ҳал этиш учун, тергов давомида эса исботлаш предметига тегишли масалалар юзасидан далил тўплаш ҳамда шахснинг содир этилган жиноятга дахсдорлигини аниқлаш учун тайинланади.

Хорижий мамлакатларда тафтиш турлича номлансада бироқ назорат қилувчи идоралар томонидан (ҳаттоқи нодавлат ташкилотлар томонидан ваколатли органлар топшириғига асосан ўтказилган), текширув объективнинг ташаббусига асосланмаган ва у томонидан ҳақ тўланмайдиган текширув эканлиги умум эътироф этилган.

Хусусан биздаги тафтиш ва ҳужжатли тафтиш атамалари ўрнига англо-саксон ҳукуқ тизимида “inspection-тафтиш, ”Documentary check”-ҳужжатли тафтиш, “verification”-назорат, текширув атамалари ишлатилади. ”Revenue inspection” атамаси бож ва солиқ билан боғлиқ текширувларни англатади.

Тафтишнинг асосий мақсади субъекларнинг бухгалтерия ҳужжатлари, молиявий ва статистик ҳисботларидағи қонунга хилоф фаолиятининг изларини аниқлаш ҳисобланади бугунги кунда мамлакатимизда тафтиш (ҳужжатли тафтиш)ни амалга оширишга ваколатли бўлган органларнинг тизимини Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши

<sup>1</sup> <http://ensiklopediya.uz/>

курашиш департаменти ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тегишли органлари ташкил этиши ҳақида холосага келиш мумкин..

Жиноят-процессуал қонунчилигимизга кўра, тафтиш ўттиз календарь кундан кўп бўлмаган муддатга тайинланади. Алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ёки унинг ўринbosарининг розилигига кўра ёхуд суднинг ажрими билан бу муддат узайтирилиши мумкин. Тафтиш тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки ажримдаги муддат текширувнинг ҳажми ва иш ҳолатларидан келиб чиқиб оқилона белгиланиши зарур. Бу муддат давомида иш юритиш тўхтаб турилиши ҳам мумин. Айнан тафтишни тўхтатиб туриш асослари қонунчилигимизда аниқ назарда тутилган бўлмасада суд-тергов амалиётида қўйидаги ҳолатларда бунга зарурат юзага келади:

1) ўтказилаётган тафтишга дахлдор бўлган маълумотларни ўзида сақловчи далилларни қидириб топиш учун керакли тергов харакатларини амалга ошириш зарурати юзага келганда;

2) ўрганилаётган ташкилотга тегишли муҳим молиявий-хўжалик ҳужжатларни олиб ўрганиш имкониятининг мавжуд эмаслиги сабабли тафтишни бошлашни ёки уни давом эттиришнинг имконинг йўқлиги ёки уларни бошқа ташкилотдан олиш керак бўлиб бу маълум вақт талаб этадиган бўлса;

3) мутахассисларни алмаштириш ёки қўшимча мутахассисларни жалб этиш зарурати юзага келганда;

4) текширилаётган ташкилотнинг тафтиш учун муҳим бўлган бухгалтерия ҳисботларини қайта тиклаш зарурати юзага келганда;

Жиноят иш юритувида маҳсус иқтисодий билимлардан фойдаланишининг мутахассисни жалб қилиш масалалари маҳсус адабиётларда кенг муҳокама этилаётган муаммолардан биридир. Зоро мутахассис илмий-техника воситаларни қўллаш, тегишли ҳужжатлардаги ҳисоб ва ҳисботлар бўйича фикр билдириш, гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва бошқа шахсларни сўроқ қилишда саволларни шакллантиришга ёрдам бериш, ҳужжатларни кўздан кечириш, ҳужжатларни хатлаш ва олиб қўйиш учун ажратиб олиш ва бошқа қатор ҳолатларда ўзининг маҳсус билимларидан келиб чиқсан ҳолда ваколатли органларга жиноят иш бўйича ёрдам ва хулоса бериш учун чақирилади.

Жиноят процессида тафтиш ўтказиш масаласи процессуалист олимлар томонидан доимий равишда тадқиқ этилиб борилмоқда. С.П.Голубятников тафтишни ўрганилаётган ташкилот томонидан муайян вақт оралиғидаги

хўжалик ва молия операциялар асосли ва қонуний ўтказилганлиги, уларнинг бухгалтерия ҳисбботида тўғри акс этганлигини аниқлаш бўйича мажбурий назорат хатти-ҳаракатлар тизими<sup>2</sup> сифатида тушунтирган.

Унинг фикрича, тафтиш тайинлашдан мақсад ўтказилган молиявий операцияларнинг қонуний, асосли ва ишончли ўтказилганлигини текширишдан иборат. Бунда текшириш обьекти молия интизомига риоя қилинганлиги, пул ресурслари ва моддий қимматликларнинг сақланганлиги, бухгалтерия ҳисобининг тўғри юритилганлиги билан боғлиқ молия-хўжалик фаолият соҳаси ҳисобланади. В.Г. Танасевич эса тафтишнинг аҳамияти тўғрисида тўхталиб, уни яширин ўзлаштирилган қимматликларни аниқлаш воситаси сифатида таҳлил қилган<sup>3</sup>. Б.А. Мўминовга кўра, тафтиш жиноят-процессидан ташқари ҳукуқнинг бошқа тармоқлари, жумладан маъмурий ҳукуқ, молия ҳукуқи, тадбиркорлик ҳукуқида ҳам кенг фойдаланилади ва мазкур ҳукуқ тармоқлари томонидан тартибга солинади. Бу эса тафтишни фақатгина жиноят-процессуал қонунчилиги асосида тартибга солишнинг имкони йўқлигини англатади<sup>4</sup>. Умуман олганда, тафтиш молиявий назоратнинг бир шакли сифатида хўжалик соҳасида содир этилган жиноятларни аниқлаш ёки уларнинг содир этилишини олдини олишда катта имкониятларга эга. Шу боисдан ҳам тергов органлари ўзларининг фаолиятида тафтиш натижаларидан доимий равиша фойдаланишади.

Жиноят ишларини судга қадар иш юритуви амалиётида суриштирувчи ва терговчи томонидан аксарият ҳолларда маҳсус билимларга эга бўлган шахсларнинг ёрдамидан фойдаланиши тегишли тергов ҳаракатларини ўтказиш ва процессуал қарорлар қабул қилишда маҳсус билимларнинг аҳамияти ортиб бораётганлигини қўрсатади. Зеро, фан ва техника тараққиёти натижасида, маҳсус билимларнинг қўлланиш соҳалари кенгайиб, аввал маълум бўлмаган соҳалардаги мазкур билимлардан фойдаланиш зарурати юзага келмоқда. Кўпгина тоифадаги жиноят ишлари юзасидан маҳсус билимларни қўлламасдан терговга қадар текширув ўтказиш, жиноят иши қўзгатиш, айбланувчи шахслар доирасини аниқлашнинг умуман имкони йўқ. Булар жумласига, иқтисодий

<sup>2</sup> Судебная бухгалтерия : курс лекций / С. П. Голубятников, Е. С. Воронов, А. Н. Леханова, А. Н. Мамкин. – Нижний Новгород : Нижегородская академия Министерства внутренних дел Российской Федерации, 2013. – 354 с. – EDN WSZGDZ. <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=27005940&>

<sup>3</sup> Овчаренко Н.Б. Порядок назначения и производства ревизии по делам о хищениях путем присвоения или растраты // Криминалистика: вчера, сегодня, завтра. 2017. №3 (3). -2c. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/poryadok-naznacheniya-i-proizvodstva-revizii-po-delam-o-hischeniyah-putem-prisvoeniya-ili-rastraty>

<sup>4</sup> Мўминов Б.А. Судга қадар иш юритуvida маҳсус иқтисодий билимлардан фойдаланишни такомиллаштириш. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Т.: 2018, -63б.

муносабатларни амалга ошириш, кредит, лизинг, техника хавфсизлиги, меҳнат муҳофазаси, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш, қурилишда бажарилган ишлар ҳажмини ошириб кўрсатиш йўли билан ўзлаштириш каби жиноятларни киритиш мумкин.

Суд-тергов амалиётини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, тафтиш ўтказишида малакаларининг етишмаслиги сабабли ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларининг ходимлари иқтисодий жиноятларни ўз вақтида аниқлаш ва очишда, суриштирув ва тергов органлари ходимлари далилларни тўплаш ва текшириш, айбдор шахслар доирасини аниқлаш, тафтишнинг предметини белгилаш, экспертиза муассасаси ва объектлари, экспертнинг ечимига қўйиладиган саволларнинг ҳажми, предмети ва йўналиши, экспертизани тўлиқ ва малакали ўтказилганлигини баҳолаш билан боғлиқ муаммоларга дуч келмоқда. Шу билан бирга далилларни тўплаш усувларини ривожланишини ўрганиш далилларни тўплаш ва текширишнинг усувлари доимий равища кенгайиб, такомиллашиб борганлигини кўрсатади. Зоро, жиноятчиликка қарши кураш жараёнида юзага келаётган муаммолар исботлашнинг мавжуд имкониятларини, тергов ҳаракатлари тизимини ва турларини такомиллаштиришни ёки янги тергов ҳаракатларининг шаклланиши ва амалдаги қонунчиликка киритилишини объектив заруратга айлантиради.

Шунингдек, амалиётда ҳукуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари қай ҳолларда аудиторлик текшируви ёки тафтиш ўтказишини талаб қилиши, қандай вазиятда иқтисодий экспертиза ёки бошқа турдаги экспертизаларни тайинлаш борасида бирмунча қийинчиликларга дуч келишлари мумкин. Буни ҳал қилишда тафтиш ва суд экспертизасининг хусусиятлари, шунингдек, ушбу тушунчалар моҳияти ва ҳукуқий табиатидан келиб чиқувчи фарқларни инобатга олиш лозим бўлади. Суд-иқтисодий экспертизасини тайинлашда тафтиш, аудиторлик текшируви ва иқтисодий экспертизаларни фарқлаш муҳим ҳисобланади. Бунда нафақат тафтишчи ва экспертнинг мажбуриятлари доирасидаги, балки маҳсус билимларни қўллашдан мақсад уларни амалга ошириш усувларидан ҳам келиб чиқиши керак.

Молиявий-хўжалик фаолиятини хужжатли тафтиш қилиш масалалари Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-бобида белгилаб берилган, хусусан, тадбиркорлик субъектини тафтиш қилиш фақат у содир этган қонунбузарлик фактлари бўйича қўзғатилган жиноят иши доирасида амалга оширилиши мумкин ва бунда тафтишга тадбиркорлик субъектининг фақат қўзғатилган жиноят иши билан боғлиқ фаолияти қамраб олиниши мумкин. Жиноят иши

қўзғатилгунга қадар, яъни терговга қадар текширув даврида тафтиш бошқа юридик шахслар бюджет ва нотижорат ташкилотларга нисбатан тайинланиши мумкин. Тадбиркорлик субъектларини тафтиш қилиш<sup>5</sup> жараёнида тадбиркорнинг юридик хизмати вакиллари, савдо-саноат палатаси ва жалб этилган адвокатлар албатта иштирок этишлари лозим.

Иқтисодиёт йўналишидаги қонунбузарликлар одатда турли хўжалик операцияларини қўллаш орқали амалга оширилади. Уларнинг экспертилик тадқиқоти кенг кўламдаги иқтисодий билимлар мажмуасини талаб қиласди. Қайсиdir хўжалик операцияси ёки иқтисодий кўрсаткичларни тадқиқ этиш лозим бўлганда, кўпинча терговчи ёки суд томонидан берилган барча саволларга аниқлик киритиш эксперт-иқтисодчи зиммасига юкланди. Бироқ эксперт-иқтисодчи универсал мутахассис бўлмагани боис турли иқтисодий билимлар мажмуасини талаб қилувчи саволларга жавоб бера олмайди.

Жиноят-процессуал кодексининг 187<sup>1</sup>-моддаси талабларига кўра, иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар ҳақидаги маълумотларни текширилаётган субъектларнинг бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларни ўрганиш ҳамда таққослаш йўли билан олиш мумкин бўлган ҳолларда юридик шахсларни тафтиш қилиш тайинланади. Ушбу кодексинг 172-моддасида эса иш учун аҳамиятли ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни фан, техника, санъат ёки касб соҳаси бўйича билими бўлган шахс ўтказадиган маҳсус текшириш орқали олиш мумкин бўлганда экспертиза тайинланади. Тафтиш ўтказиши талаб этадиган саволларни эксперт ҳал этиши жиноят-процессуал қонунчиликда назарда тутилган бир ҳаракатни (22<sup>1</sup>-боб. Тафтиш бошқаси (22-боб. Экспертиза) билан алмаштиришга олиб келади. Тафтиш ҳаракатларини ўтказиши экспертнинг ваколат доирасига кирмайди.

Тергов, суд ва экспертилик амалиёти таомили шуни кўрсатадики, суд-иқтисодий экспертизаси тайинлашнинг энг муҳим асосларидан бири – терговчининг жиноят иши кўзғатилишига асос бўлган, солиқ текшируви хулосасининг тўғрилиги борасидаги ўринли шубҳасидир. Бироқ таъкидлаш жоизки, шубҳа солиқ текшируви далолатномасида ифодаланган айrim хулосаларга тегишли бўлиб, жиноят иши материалларини тўлдириш мақсадида янгидан тафтиш (назорат) текшируви тайинлашни талаб қилмаслиги керак. Шунинг учун, тафтишчининг вазифасини экспертга юклаш процессуал хатолик хисобланади.

<sup>5</sup> <https://chamber.uz/uzk/news/2584>

Шундай хатоликка йўл қўймаслик мақсадида тафтиш (қонун ҳужжатларига амал қилинишини ҳужжатли текшириш) ва суд-иқтисодий экспертизаси ўртасидаги муҳим тафовутларни эсда тутиш лозим. Улар икки гурухга бўлинади: биринчидан, суд-иқтисодчи эксперт сифатида давлат суд-экспертиза муассасаси эксперти, корхона, муассаса ва ташкилот ходими ёки бошқа жисмоний шахс қатнашиши мумкин. Тафтиш ўтказиш учун тайинланадиган шахслар сифатида Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиб департаменти, давлат солиқ хизмати, Молия вазирлиги ва ҳудудий молия органларининг мутахассислари иштирок этади. Иккинчидан, Жиноят-процессуал кодексининг 68-моддасида эксперт била туриб нотўғри хулоса бергани, суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини суриштирувчи, терговчи ёхуд прокурорнинг рухсатисиз ошкор қилгани, шунингдек, узрсиз сабабларга кўра хулоса беришни рад этгани ёки бу ишдан бўйин товлагани учун жиноий жавобгар бўлиши белгиланган. Тафтиш ўтказиш учун тайинланадиган шахслар учун бундай жавобгарлик алоҳида белгиланмаган.

Жиноят-процессуал кодексининг 185-моддасига мувофиқ, агар эксперт қўйилган саволларни унинг маҳсус билимлари асосида ҳал қилиш имкони бўлмаслиги, унга тақдим этилган текшириш обьектларининг ёхуд материалларнинг яроқсизлиги, хулоса бериш учун етарли эмаслиги ва уларни тўлдириб бўлмаслиги ёхуд фан ва суд-экспертлик амалиётининг ҳолати қўйилган саволларга жавоб топиш имкониятини бермаслигига ишонч ҳосил қиласа, у хулоса беришнинг иложи йўқлиги тўғрисида асослантирилган ҳужжат тузиши белгиланган.

Экспертни сўроқ қилиш тартиби Жиноят-процессуал кодексининг 186-моддасида белгиланган бўлиб, бу уни алоҳида процесс иштирокчиси сифатида эътироф этади. Тафтиш ўтказган шахсни сўроқ қилиш процессуал қонунчиликда алоҳида белгиланмаган бўлиб, у гувоҳ тариқасида сўроқ қилинади. Шундай қилиб, тафтиш ўтказувчи шахсга (шу жумладан, қўшимча текширувлар ўтказиш даврида) эксперт-иқтисодчининг вазифаларини юклаш текширувни ўз процессуал шаклини йўқотган экспертизага айлантиради. Шунингдек, эксперт томонидан тафтиш табиатидаги ҳаракатларнинг амалга оширилиши унинг хулосасига асосли шубҳа туғилишига сабаб бўлади.

Текширилаётган субъектнинг ҳужжатлари, ахбороти ва материаллари йўқотилган, йўқ қилинган ёки мавжуд бўлмаган тақдирда, тафтиш ўтказувчи шахс тафтишни тайинлаш тўғрисидаги қарорда ёки ажримда қўрсатилган

масалаларни ўрганишни солик, валютага оид, бухгалтерия тўғрисидаги ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ўтказади. Тафтиш хўжалик фаолиятининг муайян даврини (одатда ҳисобот даврини) текширишни ифодалайди. Текширув тегишли ташкилотда мавжуд бўлган ҳужжатлар асосида ўтказилади. Эксперт корхонанинг барча хўжалик фаолияти бўйича текширишни амалга оширмайди, балки иш ҳужжатларида мавжуд бўлган ҳужжатларни тадқиқ қиласди. Ҳужжатли текширув давомида қонун ҳужжатларининг бузилиши мавжудлигини аниқлаш мақсадида корхонанинг муайян даврдаги бутун моливий-хўжалик фаолияти қамраб олинади.

Суд-иқтисодий экспертизаси ҳисоб ҳужжатлари асосида моливий хўжалик фаолиятининг фақат ишнинг тўғри ҳал қилинишида аҳамиятли бўлган ҳолатларини аниқлайди. Бунда аниқ ҳолатлар тергов ва суд томонидан эксперт ечимиға савол қўйилишида белгиланади.

## **ХУЛОСА**

Тафтишчининг асосий вазифаси жиноят хусусиятига эга ҳолатларни текшириш ва аниқлаш. Экспертнинг вазифаси – қўйилган саволларга ҳар томонлама, тўлиқ хулоса бериш. Эксперт-иқтисодчининг мақсади тергов ва суд жараёнида кўрилаётган иш бўйича асослантирилган хулоса бериш бўлса, тафтишчининг мақсади суистеъмол қилиш, қоидабузарлик ҳолатлари мавжудлигини текшириш, агар мавжуд бўлса, уларни тўлиқ аниқлашдан иборат.

Тафтиш ўтказувчи шахслар ўтказилган тафтиш натижаларига кўра далолатнома тузса, эксперт-иқтисодчи эксперт текширувларини ўтказиб бўлганидан кейин тегишинча эксперт имзоси билан тасдиқланадиган хулоса тузади.

Хулоса қилиб айтганда, амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида тафтиш тергов харакатининг қонунчилик базаси яратилиб уларнинг хуқуқий кафолатлари мустахкамланди.

## **REFERENCES**

1. «Суд-тергов фаолиятида шахснинг хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6041-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.08.2020 й., 06/20/6041/1151-сон.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 18 февралдаги «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал

кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-675-сонқонуни // <https://lex.uz/docs/5295912>.

3. <http://ensiklopediya.uz/>
4. <https://chamber.uz/uzk/news/2584>
5. Вандышев В.В. Уголовный процесс. Курс лекций. Учебник для вузов. – СПб.: Питер, 2002. –Б.44.
6. Галкин Б.А. Уголовно - процессуальный закон. -М.: 1982. -Б. 92.
7. Жиноят процесси. Умумий қисм. / З.Ф.Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида. -Т.: Янги аср авлоди, 2002. –Б.101.
8. Мўминов Б.А. Судга қадар иш юритувида маҳсус иқтисодий билимлардан фойдаланишни такомиллаштириш. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Т.: 2018, -636.
9. Овчаренко Н.Б. Порядок назначения и производства ревизии по делам о хищениях путем присвоения или растраты // Криминалистика: вчера, сегодня, завтра. 2017. №3 (3). -2с. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/poryadok-naznacheniya-i-proizvodstva-revizii-po-delam-o-hischeniyah-putem-prisvoeniya-ili-rastraty>
10. Рыжаков А.П. Уголовный процесс. Учебник для вузов.-3-е..перераб.-М.: Норма, 2004. –Б. 61.
11. Судебная бухгалтерия : курс лекций / С. П. Голубятников, Е. С. Воронов, А. Н. Леханова, А. Н. Мамкин. – Нижний Новгород : Нижегородская академия Министерства внутренних дел Российской Федерации, 2013. – 354 с. – EDN WSZGDZ. <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=27005940&>
12. Уголовно-процессуальное право: Учебник / под.общей ред. Проф П.А.Лупинской. -М.: Юристъ, 2003. –Б.97.
13. Уголовный процесс. Учебник для вузов. Изд. 4-ое. Перераб. и дополненное. / Под ред. К.Ф.Гуценко. –М.: Зертало-М, 2001. –Б.88-89.
14. Уголовный процесс: Учебник /Александров А.С., Ковтун.Н.Н., Поляков М.П., Сереброва С.П. Науч. ред. В.Т.Томин. - М.: Юрайт-Издат, 2003.-Б. 104.
15. Уголовный процесс: Учебник для студентов юрид. вузов и факультетов: - М.: Зертало, 2003. -Б. 62.
16. Уголовный процесс: Учебник. /Под. ред. М.А. Чельцова. -М.: 1989. -Б. 69-73.
17. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 12 июндаги 100-сон буйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларида

суриштирув ва дастлабки терговни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома».

18. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатномаси // Халқ сўзи. 2020 йил 25 январь.
19. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 6 январда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси // <https://president.uz/uz/lists/view/4057>.
20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги ПФ-4850-сонли «Суд-хукуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг хукуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 43-сон, 497-модда.
21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги ПФ-5268-сонли «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг хукуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.12.2017 й., 06/17/5268/0341-сон.
22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.
23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3723-сон қарори // <https://lex.uz/docs/3735818>.
24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги
25. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021. 40 б.
26. Шпилев В.Н. Участники уголовного процесса. -М.: 1990. -Б. 13-14.
27. Якубович Н.А. Вопросам борьбы с преступностью. -М.: 1991. -Б.68-69.